Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган ● www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz ● 2013 йил 25 январь ● № 4 (921)

*Муносабат*

## ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ ИНСОН МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

***Шу кунларда давлатимиз раҳбарининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси жойларда катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганилмоқда.***

Юртбошимизнинг «Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» номли маърузасида ўтган йилда амалга оширилган ишлар батафсил сарҳисоб ва чуқур таҳлил қилинди. Чиқарилган хулосалар, эришилган ижобий натижа ва ютуқларга таянилган ҳолда жорий йилдаги вазифаларнинг энг муҳим йўналишлари ҳам белгиланди.

Президентимиз томонидан алоҳида қайд этиб ўтилганидек, 2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор. Бу борада 2013 йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу дастурнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни ривожлантириш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш борасидаги режаларни амалга оширишдаги ўрни ҳам бениҳоя катта. Буни биргина янги тиббиёт муассасалари барпо этиш, ишлаб турганларини модернизациялаш ва реконструкциялаш бўйича йирик лойиҳалар йўналишининг қамрови мисолида кўриш мумкин. Жумладан, маърузада соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича 2012 йилда изчил ва аниқ мақсадга қаратилган ишлар амалга оширилганлиги чуқур таҳлил қилинди. Айниқса тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш учун ўтган йили Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига айлантирилгач, унинг ҳисобидан 154 та тиббиёт муассасасини қуриш ва реконструкция қилишга 255 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди, 7,5 минг ўринга мўлжалланган шифохоналарни ва бир сменада 11 минг кишини қабул қила оладиган амбулатория-поликлиника объектларини фойдаланишга топшириш имконияти яратилди. Тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун жамғарма ҳисобидан саккиз миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Айтиш жоизки, бу маблағлар ягона мақсадга, яъни инсон манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўтган йили Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида замонавий, юксак технологияларга асосланган тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган, юрак қон-томир касалликларига чалинган беморларга жаҳон стандартлари даражасида диагноз қўйиш ва уларни даволаш имконини берадиган кардиожарроҳлик бўлимининг очилиши соҳада амалга оширилган энг муҳим ишлардан биридир. Юртбошимиз ушбу шифо маскани очилишида бевосита иштирок этиб, беморлар учун яратилган қулай имкониятлар билан танишар экан, келгусида соҳани ривожлантириш ва такомилига етказиш борасида малакали кадрларни тайёрлаш ишига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди. Ушбу жараёнлар изчиллик билан амалда ифода топмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва касб малакасини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар бошланган.

Репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича «ўзбек модели» БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилганлиги Юртбошимиз томонидан мамнуният билан тилга олинди. Дарҳақиқат, буни биргина 2011 йилда пойтахтимизда ўтказилган “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола” мавзусидаги

**(Давоми 2-бетда).**

# БУНЁДКОРЛИК, ЯРАТУВЧИЛИК ВА ОБОДЛИК

**мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилаётган ислоҳотларда ҳам намоён бўлмоқда**



***Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 5-поликлиниканинг янги биноси фойдаланишга топширилди.***

Унда ташҳис ва муолажа ишларини самарали ташкил этиш борасида яратилган замонавий тиббий шароитлар ҳудуддаги қирқ мингдан зиёд аҳоли саломатлигини сифатли таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу ердаги лор, эндокринолог, офтальмолог, физиотерапия, ўсмирлар тиббий кўриги, кардиоревматолог, аёллар маслаҳатхонаси, ультратовуш текшируви, флюорография, рентген, таҳлил хоналари, терапия, болалар бўлимлари замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланди. Шунингдек, 5 ўриндан иборат кундузги шифохона ҳам мавжуд. Поликлиникада тўқсондан ортиқ малакали тиббиёт ходими фаолият кўрсатмоқда.

**ЎзА.**

*Жараён*

## УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ – САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

***Президентимизнинг тиббиёт соҳасига бўлган ғамхўрлиги тизимда изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотларда ўз ифодасини топмоқда. Кадрлар масаласига қаратилаётган эътибор ҳам бундан мустасно эмас. Бу борада малака ошириш, қайта тайёрлаш жараёнлари узлуксиз давом этаётганлиги соҳа мутахассисларининг касб маҳорати ошиши, тиббий билимлари бойишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган 300 мингдан ортиқ ҳамшира ҳам бугунги кунда малакасини ошириб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.***

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш, молиялаштириш ва бошқариш кафедрасида тизим раҳбар-ходимлари ҳар йили ўқув курсида таҳсил олаётгани жойларда амалга оширилаётган ислоҳотларда яққол намоён бўлмоқда.

Жорий йилнинг январь ойида кафедрада бошланган икки ҳафталик ўқув машғулотларида пойтахтимиздаги етакчи клиникалар, Тошкент шаҳри ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бош ҳамширалари малакасини оширмоқда.

– Авваламбор шуни айтмоқчиманки, Юртбошимиз томонидан ўрта тиббиёт ходимлари фаолиятига қаратилаётган алоҳида эътибор боис мамлакатимизда ҳамширалик мактаби яратилди. Айниқса узлуксиз таълим жараёнлари ташкил этилганлиги тиббий билимимизни доимо бойитиб боришга хизмат қилмоқда, – **дейди Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош ҳамшираси Раъно Аҳмедова.** – Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кафедрасида “Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни татбиқ қилишда ҳамширалик бошқаруви” мавзусига бағишланган ўқув мажмуи иш фаолиятимиз самарадорлигини оширишда қўл келади, албатта. Ҳар йили ўқув режаларига киритилаётган мавзулар асосий вазифаларимизни белгилаб берувчи мезонга айланмоқда. Машғулотларни тажрибали ўқитувчи-профессорлар, вазирликнинг етакчи мутахассислари олиб бормоқда.

**(Давоми 3-бетда).**

**Муносабат**

# ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ ИНСОН МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

халқаро симпозиум мисолида хорижлик экспертларнинг фикр-мулоҳазаларида ҳам кўриш мумкин. Ушбу нуфузли тадбирда иштирок этган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Маргарет Чен, тиббиёт оламининг таниқли мутахассислари, халқаро экспертлар Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган умуммиллий дастурнинг муҳим таркибий қисми бўлмиш оналик ва болаликни муҳофаза қилиш модели халқаро даражада эътироф этилишини юқори баҳоладилар.



**Республика перинатал маркази.**

«Соғлом она – соғлом бола» шиори моҳиятига кўра аҳолини жипслаштирувчи ва сафарбар этувчи мурожаат бўлиб, давлат ҳамда жамият даражасига кўтарилган устувор вазифага айланди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “одамлар саломатлигини муҳофаза қилишнинг бутун тизимини чуқур ислоҳ этиш ва модернизация қилиш асосидагина олдимизга қўйилган мақсадга эришиш мумкин. Мустақил ривожланиш йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишни давом эттириш ва янгилаш имконини бераётган мустаҳкам пойдевор яратилди, дейиш учун бугун барча асосларимиз бор”.

Ушбу ишларнинг мантиқий давоми 2012 йил февраль ойида ўтказилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференцияда яна бир бор яққол намоён бўлди. Ушбу анжуманда, жумладан, болалар спортини ривожлантириш масаласида фикрлар билдирилди. Бу борадаги амалий ишларни юртимизда спортни, аваламбор болалар спортини ривожлантиришга доимий равишда катта эътибор қаратаётганимиз ҳам, ҳеч шубҳасиз, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бу борадаги амалий ишларни юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида кўриш мумкин. Жумладан, Президентимиз маърузасида келтириб ўтилганидек, 2012 йилда 108 та болалар спорти объекти, жумладан, 16 та сузиш ҳавзаси, Навоий шаҳрида 10 минг ўринли янги стадион, Нукус шаҳрида теннис мактаби, бошқа ҳудудларида 12 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланишга топширилди. Самарқанд шаҳрида эшкак эшиш каналини реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилди. Тошкент шаҳрида халқаро стандартларга жавоб берадиган "Бунёдкор" ва "Локомотив", Бекобод шаҳрида "Металлург" футбол стадионлари бунёд этилди. Спорт кураши бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ташкил қилинди. Шу ўринда айтиш жоизки, ҳозирда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган қарийб 1,6 миллион бола (ёш авлоднинг 35,6 фоизи) турли спорт билан мунтазам шуғулланиб келмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртбошимиз аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи, айниқса касб-ҳунар коллежларини битирганлар ёшларга эътибор қаратиб, ҳар бир битирувчини ишга жойлаштириш зарурлигини, нафақат унинг иш кўникмаларини эгаллаши, ҳаётини қуриши, шу билан бирга оиласига наф келтиришини алоҳида уқтирди. Аҳоли бандлигини таъминлаш фақат ҳукумат вазифаси бўлиб қолмаслиги, балки бу жараёнда барча, шу жумладан депутатлар ҳам фаол қатнашиши лозимлигига урғу берилди.

Жорий йилда 500 мингдан ортиқ битирувчини иш билан банд этиш мўлжалланмоқда. 2012 йилда мамлакатимизда комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб бир миллионта янги иш ўрни ташкил этилди. Бу иш ўринларининг 62 фоизга яқини қишлоқ жойларида яратилди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига – 485 минг, касаначиликнинг барча шаклларини кенгайтириш ҳисобидан 218 минг киши иш билан таъминланди.

Мажлисда 2013 йилда иқтисодиётни барқарорлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш бўйича галдаги вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, жорий йилда иқтисодиёт саккиз фоизга, шу жумладан саноат 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги 6 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 11 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасини қарийб 16 фоизга ошириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улуши 53 фоизгача ўсишини таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефть-газ ва нефть-кимё саноатини, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқлари ва бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантириш масаласи бош мақсад қилиб олинди.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш 2013 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади. Олий Мажлис томонидан маъқулланган дастурда 2013 йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мазкур масалани ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу соҳаларда қарийб 500 минг иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

Банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашда касаначиликнинг турли шаклларини, биринчи навбатда касаначилар ва корхоналар ўртасидаги кооперацияни меҳнат шартномалари асосида кенгайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш катта резерв ҳисобланади. Мазкур соҳалар ҳисобидан 280 мингдан ортиқ кишини ишга жалб қилиш кўзда тутилган.

Иш ўринларини ташкил қилишда тармоқ дастурларини амалга ошириш, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, транспорт ва коммуникация қурилиши, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини кенгайтириш масалалари муҳим ўрин тутади ва бу соҳаларда 250 минг киши иш билан таъминланиши белгиланган.

Буларнинг бари, албатта, халқимиз фаровон ҳаёт кечириши учун қилинаётган эзгу ишлар. Аҳамият берган бўлсангиз, йиғилишда Юртбошимиз асосий эътиборни ёшларга оид сиёсатга, тараққиётнинг модернизация йўлини қатъият билан давом эттиришга қаратди. Боиси модернизация ҳар қандай тармоқ тараққиёти ва корхонанинг рақобатбардошлигини таъминловчи жараён, замонавий корхонанинг ривожланиш стратегияси, ишлаб чиқаришни бозор муносабатларининг муҳим шартидир. Жаҳон иқтисодий-молиявий инқирози пайтида эса иқтисодиётни модернизациялаш сиёсати долзарблиги янада ортиб, миллий бизнес ривожини таъминловчи муҳим омил сифатида катта аҳамият касб этади.

**Намоз ТОЛИПОВ,**
**журналист.**

# ЯНГИЛИКЛАР
● хабар
● шарҳ
● таҳлил

## Ветеринария хизмати янада такомиллашади

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасида чорвачилик тармоғининг барқарор ривожланишига доир ислоҳотлар, хусусан, ветеринария хизмати, фармацевтикаси ва дори воситалари муомаласини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Мамлакатимизда ветеринария соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган "Ветеринария тўғрисида"ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 ноябрдаги "Ветеринария фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир.

Тадбирда замонавий нано- ва биотехнологияларни татбиқ этиш, дори воситаларини маҳаллийлаштириш орқали чорвачиликка арзон, сифатли ва кафолатланган дори воситалари етказиб бериш, маҳсулотлар таннархини пасайтириш ҳам валюта захираларини тежашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

**Сайёра ШОЕВА.**

## Инглиз тилига бағишланган семинар

***Тошкент педиатрия тиббиёт институтида компьютер технологиялари ҳамда инглиз тили ўқув жараёнида кенг қўлланилишига бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди.***

Ўтган давр ичида компьютер технологиялари ижтимоий-гуманитар, тиббий-биологик, тиббий фанларни ўқитишда қўлланилиши бўйича институтда маълум ютуқларга эришилди. Ҳамма ўқитувчилар компьютердан фойдаланишни ўзлаштирган ва бу борада махсус имтиҳондан ҳам ўтган.

Ҳозирда мамлакатимиз Президентининг хорижий тилларни ўрганиш бўйича қарори кенг муҳокама қилинмоқда. Инглиз тилида дарс жорий этиладиган кафедралар аниқанди, кейинчалик босқичма-босқич барча кафедрада ушбу жараён татбиқ этилади. Айни пайтда инглиз тилида ўқийдиган талабалар гуруҳлари ташкил этилмоқда.

Семинар уч секцияда, асосий маърузалар эса инглиз тилида олиб борилди. Тадбир якунида энг яхши деб топилган бешта маъруза муаллифи қимматли совғалар билан тақдирланди.

**Эркин ТУРСУНОВ.**

## Соғлом авлод – соғлом келажак

***Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом авлод туғилиши ва вояга етишига кўмаклашиш, тиббий хизмат сифатини такомиллаштириб, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Нукус шаҳридаги Она ва бола скрининг маркази томонидан туғма ногиронликни эрта аниқлаш ва даволаш, бундай нохуш ҳолларнинг олдини олиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган марказда "Дельфия" ташҳис лабораторияси, "Мультискан", "Апогея-3500" сингари аппаратлар скрининг текширувларини юқори сифатда ўтказиш имконини бермоқда. 2012 йилда бу ерда 16 мингдан ортиқ ҳомиладор – ультратовуш, 2,4 мингдан зиёди – биокимёвий, 32,5 мингдан кўп чақалоқ неонатал скрининг текширувидан ўтказилди.

**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ.**

## Ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланмоқда

***Соғлиқни сақлаш вазирлигида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари, ушбу лавозимга яқинда қайта сайланган Асмус Хэммерич билан учрашув ўтказилди.***

Тадбир доирасида ЖССТнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик ришталари хусусида ахборот бериб ўтилди, шунингдек келгусидаги режалар борасида ҳам фикрлар алмашилди.

**Диёра БОЗОРОВА.**

## Инсон саломатлиги – устувор вазифа

***Соғлиқни сақлаш фаолиятини янада такомиллаштириш борасида Хоразм вилоятида бирмунча ишлар қилинди.***

Бу борада вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида ҳудудий штаб тузилган бўлиб, алоҳида ишчи гуруҳлар фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Ўтган йил давомида аҳоли ўртасида фортификация қилинган унни истеъмол қилиш афзалликлари хусусида мутахассислар иштирокида юздан зиёд савол-жавоб кечалари ўтказилди. Тиббиёт ходимлари томонидан жойларда 8,6 мингдан зиёд саломатлик бурчаклари ташкил этилди.

Жорий йилнинг иккинчи етти кунлигида барча ҳудудлардаги каби Урганч ва Шовот туманларида ҳам соғломлаштириш-тарғибот ҳафталиги ўтказилди. Коллеж, мактаб ва маҳаллаларда ташкил этилган тадбирларга 1,5 мингга яқин киши қамраб олинди.

Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тажрибасидан келиб чиққан ҳолда вилоятда давлатимиз раҳбарининг 1096-, 1144-қарорларини ёшлар ўртасида тарғиб этиш, "тенгдош-тенгдошга" тизими асосида кўнгиллиларни тайёрлаш мақсад қилиб олинган.

Албатта, бундай хайрли ишларда ҳамкор ташкилотларнинг ҳиссаси катта. Обод турмуш йилида ҳам инсон саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар кўлами янада ортади.

**А. МАШАРИПОВ.**

*(Ахборот агентликлари ва ўз мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди).*

*Инвестиция дастури*

# МУСТАҚИЛЛИК ДАСТХАТИ

## Тиббиёт тизимидаги бугунги ўзгаришларни худди шундай баҳолаш мумкин

***Давлатимиз раҳбари 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган ҳукумат мажлисидаги маърузасида ҳисобот даврида барча жабҳаларда юқори суръатлар кузатилганини таъкидлар экан, бу борада айниқса аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтириш учун зарур шароитлар яратилганини, хусусан, инсон саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи тизимда ҳам аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар давом эттирилганини алоҳида қайд этиб ўтди.***

Дарҳақиқат, соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз Президенти томонидан тасдиқланган Инвестиция дастурига мувофиқ ўтган йилнинг ўзида тиббиёт муассасалари моддий-техник негизини такомиллаштириш учун деярли 256 миллиард сўм сарфланди. Шу ўринда таққослаган ҳолда ушбу мақсадларга 2009 йилда 9,3 миллиард, 2010 йилда 79,1 миллиард, 2011 йилда 135,8 миллиард сўм сарфланганини келтириб ўтиш жоиздир. Бундан ташқари, 2012 йилда замонавий даволаш ва ташхис асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш учун тиббиёт муассасаларига саккиз миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилгани ҳам эътиборга лойиқ.

Ҳисобот даврида қайд этилган маблағлар ҳисобига, жумладан, 154 та тиббиёт муассасасини қуриш ва реконструкция қилиш, 7,5 минг ўринга мўлжалланган шифохоналар ва кунига 11 минг кишини қабул қила оладиган амбулатория-поликлиникалар фойдаланишга топширилди.

Инвестиция дастурида кўзда тутилганидек, 12 та республика тасарруфидаги муассасада қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш учун 34 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди. Шу қаторда Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази кардиохирургия бўлими, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази архиви ва кутубхонаси, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий марказидаги бунёдкорлик ишларига йўналтирилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилди. Тошкент тиббиёт академияси бош ўқув биноси ва “Медик” спорт мажмуаси қурилишига 2,6 миллиард сўм сарфланди.

Айтиб ўтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрдаги 1652-қарорида туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари қувватидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, тиббиёт муассасалари тармоғи ва ўринлар фондини мақбуллаштириш, таркибий қайта қуриш вазифалари белгиланган. Шуни ҳисобга олган ҳолда қурилиш ва реконструкция жараёнларида тиббиёт муассасаларини оптимизация ва реструктуризация қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Туман тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги ҳар бир стационар, туман кўп тармоқли марказий поликлиника ягона ҳудудга марказлаштирилди.

Жумладан, Шуманай тумани тиббиёт бирлашмаси (Қорақалпоғистон) илгари тўртта ҳудудда, 16 та бинодан тарқоқ ҳолда жойлашган бўлса, эндиликда бирлашмага қарашли тиббиёт муассасалари (қишлоқ врачлик пунктларидан ташқари) марказлаштирилиб, тўртта бино ва қирқта шифо ўрни оптимизация қилинди. Худди шундай ҳаракатлар қурилиш ва реконструкция ишлари тўлиқ якунланган барча туман тиббиёт бирлашмаларида амалга оширилди.

2012 йилда 51 та туман тиббиёт бирлашмасида қурилиш ишлари бошланиб, Инвестиция дастурида белгиланганидек, 11 тасида ишлар тўлиқ якунланди. Намунавий лойиҳа асосида қишлоқ ҳудудларида ташкил этилаётган янги маҳаллаларда 28 та ҚВП барпо этилди. Бундан ташқари, тўққизта оилавий поликлиника, саккизта ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказларида кўзда тутилган қурилиш-реконструкция ишлари ҳам бажарилиб, фойдаланишга топширилди.



Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туман тиббиёт бирлашмаси.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 мартдаги “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги билан касалланишни камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 62-қарори билан 44 та сил касалликлари муассасасида қурилиш-реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари учун 176,8 миллиард сўм, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга – 21,7 миллион доллар ажратилиши кўзда тутилганди.

2011 йилда ушбу касалликни даволашга ихтисослаштирилган еттита муассасада, ўтган йили – 13 тасида қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Ҳисобот йили учун ажратилган 38,6 миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига иккита янги объект қурилди, саккизтаси реконструкция қилинди, учтаси тубдан таъмирдан чиқарилди. Биргина Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий марказидаги қурилиш ва реконструкция ишларига 24,4 миллиард сўм, шу жумладан 11,4 миллиард сўм бюджет маблағларидан сарфланди.

Таъкидлаш керакки, объектларни қуриш ва реконструкция қилишда орттирилган тажриба ҳамда йўл қўйилган айрим хато-камчиликлардан хулоса чиқарилган ҳолда сўнгги йилларда биринчи навбатда лойиҳа-смета ҳужжатларини мукаммал ишлаб чиқиш, улар асосида бунёдкорлик ишлари сифат даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада вазирлик томонидан тузилган махсус мониторинг гуруҳига объектларни жойига чиқиб ўрганиш, қурилиш сифатини кузатиш, пудратчилар томонидан белгиланган муддатларга риоя этиш, маблағлардан тўғри фойдаланилаётганини назорат қилиб бориш ваколати берилгани ҳам бесамар кечмаётир. Ушбу гуруҳ хулосаларига кўра келгуси муддат учун Инвестиция дастурига киритилаётган объектлар бўйича ҳар томонлама сифат кўрсаткичларига эришиш устувор вазифа деб белгиланмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил Инвестиция дастури тўғрисида”ги 1855-қарорига асосан соғлиқни сақлаш тизими бўйича 143 та объект дастурга киритилган. Тиббиёт муассасалари моддий-техник негизини модернизация қилишга 300,3 миллиард сўм маблағ, шу жумладан 42 та янги қурилиш учун 43,9 миллиард сўм йўналтирилиши режалаштирилган. Дастур бўйича Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, онкология диспансерлари, Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, барча вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, шаҳар поликлиникаларини замонавий ташхислаш ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш мақсадида деярли 25 миллион долларга тенг бешта инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳам белгиланган.

**Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки, жорий йил Инвестиция дастурига киритилган барча объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган ва экспертиза натижалари олинган. Бизнинг зиммамиздаги энг асосий вазифа эса – ишдаги ҳар бир жараён талабга монанд бўлиши, демакки, сифат кўрсаткичларига эришишдир.**

**Фаррух ШАРИПОВ,**
**Соғлиқни сақлаш вазирлиги моддий-техник базани ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи.**

*Жараён*

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ — САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ



Жумладан, кафедра мудири, профессор Дамин Асадовнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар хусусидаги маърузасидан жамият тараққиётининг муҳим асоси ҳисобланган инсон, унинг манфаатлари, саломатлиги таъминланиши ҳар бир тиббиёт ходими олдидаги катта масъулият эканлигини яна бир бор англаб етдик. Бундай ўқув машғулотлари давомийлиги тиббиётимиз юксалишида пойдевор бўлиб хизмат қилишига ишончим комил.

– Ушбу мавзудаги ўқув курсида илк бор иштирок этишим. Бу мен учун катта мактаб бўлади, – **дейди Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош ҳамшираси Роза Оллаёрова.** – Тажрибали устозлар, республика тиббиёт муассасаларининг етакчи ҳамширалари билан ўзаро фикрлашиб, билимларимни янада оширганимдан мамнунман. Танлаб олинган ҳар бир мавзу чуқур моҳиятга эга. Маънавият ва маърифат дарслари киритилиши алоҳида эътиборли. Шахсан мен бу борада билим доирамни янада кенгайтирдим. Ўқув мажмуининг афзаллигига келсак, мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларни кенг тарғиб қилиш, аҳоли саломатлиги йўлида назарий билимларимизни ошириб, иш фаолиятимизни янгича мезон ва андозалар асосида мувофиқлаштиришга ўрганяпмиз. Ўқиш давомида ислоҳотлар мониторингини юритиш, шифохоналарда санитария қоида ва меъёрларига риоя қилишга оид орттирган кўникмаларимиз фаолиятимиз учун дастуриламал бўлади. Германиялик мутахассиснинг тизимда зарарсизлантириш масалалари бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам жойида фойдадан ҳоли бўлмайди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўқув дастури доирасида Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Навоий ва бошқа минтақавий ҳудудлар кесимида ҳамширалик иши бўйича фаолият таҳлил қилинди. Соҳа кадрларини тайёрлашда даволаш-профилактика муассасалари ва тиббиёт ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорлик самаралари хусусида фикрлар алмашилди. Мавзуни давом эттирган ҳолда Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлари малакасини ошириш ва ихтисослаштириш марказида ҳамширалар маҳоратини бойитиш масалалари муҳокама қилинди.

Тингловчилар кафедрадаги машғулотлардан ташқари, Республика ОИТСга қарши кураш маркази, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, бошқа етакчи клиникаларда бўлиб, ўқув-семинарларда ҳам иштирок этди.

– Соғлиқни сақлаш вазирлигида ўтказилган семинарда тиббиёт муассасаларида маънавият ва маърифат ишларини изчил йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Иштирокчилар доираси инобатга олиниб, олий ҳамширалик иши, ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларга малака тоифасини беришда ишлаб чиқилган саволлар билан ҳам таништириб ўтилди, – **дейди вазирлик бош мутахассиси Рихси Салиходжаева.** – Оилавий поликлиникалар ишини ташкил этишга оид вазирлик буйруқ лойиҳаси бўйича фикрлар алмашилди. ҚВПларда ҳамширалар томонидан ҳужжатларни юритишда кузатилаётган хато, камчилик ва муаммолар ечими, ДПМларда тартиб-интизом, тозаликни таъминлаш борасида ҳам мулоҳазалар юритилди.

**Икки ҳафта давомида ҳамширалар машғулотлардан орттирган билим ва тажрибалардан келиб чиқиб, таклифлар ҳам билдиришди. Жумладан, назарий ва амалий машғулотларни мувофиқлаштириб олиб бориш, Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлари малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази билан ҳамкорликни кучайтириш, ўқитиш тизимини ҳудудлар кесимида ҳам жорий этиш борасидаги таклифлар кўпчилик томонидан эътироф этилди.**

**Ибодат СОАТОВА.**
**Сурат муаллифи А. САМАТХОДЖАЕВ.**

Долзарб мавзу

# ЁШЛАР МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИГИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛ

***Давлатимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масалалари ҳар доим долзарб аҳамият касб этиб келган. Мамлакатимиз Президентининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарорида маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари хусусида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини кучайтириш белгиланган.***

***Қарор ижросини таъминлашда Республика Маънавият тарғибот маркази ва унга ҳамкор ташкилотларнинг кенг қамровли ишлари амалда ўз ифодасини топмоқда.***

***Газета саҳифасида асосий эътибор қарор ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар самарасига қаратилар экан, бу йўлда соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасалар ва таълим масканлари томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳам кенг ёритилиши кўзда тутилмоқда.***

Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, четдан кириб келаётган "оммавий маданият" иллатларидан асраш, улар онгига қадриятларимизни янада чуқурроқ сингдириш юзасидан бир қанча ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида туркум учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши кураш самарадорлигини янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 январдаги "ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ҳам муҳим ишлар амалга ошириб келинмоқда. Одам савдоси, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олиш мақсадида республика миқёсида «Гиёҳвандлик – иллат", "Гиёҳвандликнинг оқибати – ОИТС", "Миллий қадриятлар ва ёшлар тарбияси", "Соғлом бўлай десанг...», "Ўсмир ва қонун", "Спорт ёшларни жиноятдан сақлайди" каби мавзуларда ҳамкор ташкилотлар билан давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб борилади.

Шуни таъкидлаш муҳимки, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланган бўлиб, бу борада жойларда самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Соғлом она – соғлом бола", "Келажак оналар қўлида", "Қариндошга қиз берманг", "Аёл ва жамият", "Соғлом фарзанд – юрт келажаги", "Фарзандлари бақувват юрт қудратли бўлур", "Соғлом турмуш тарзи", "Бола бошидан" каби мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, ёшларимизни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган "оммавий маданият" иллатлари, бошқа трансмиллий таҳдидларга қарши курашда миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш муҳимдир.

Бу борада қуйидаги йўналишдаги тадбирлар муҳим аҳамият касб этади:

*– фарзандларимиз онгида аждодлар меросига ҳурмат, миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида Широқ, Тўмарис, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темурдек миллий қаҳрамонларимизнинг озодлик учун мардонавор кураши ва ҳаёт йўллари акс эттирилган мақолалар тўплами, миллий киносериаллар ва мультфильмлар яратиш;*

*– мактабгача таълим муассасалари учун Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр", "Маҳбуб ул-қулуб", "Мажолис ун-нафоис", "Тарихи анбиё ва ҳукамо", "Ҳамса" асарларида келтирилган ичкиликбозлик қораланган ривоятлар, ҳикматли воқеаларни бугунги кунга мослаб, беш-ўн минутга мўлжалланган мультфильмлар туркумини яратиш, босма оммавий ахборот воситаларида махсус рукн ташкил этиш;*

*– ёшларни спортга, соғлом ҳаёт тарзига интилишларини янада кучайтириш, улар онгида миллий ғурур туйғусини шакллантириш мақсадида спорт соҳасида жаҳон, қитъа, Олимпия чемпионлари, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақалари ғолиблари ҳақида ҳужжатли фильмлар яратиш;*

*– маҳалла ҳамда таълим муассасаларида ёшларнинг ўқиши, одоб-ахлоқини жиддий назорат қилиш;*

*– босма оммавий ахборот воситаларида ёшларни Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбияловчи мақолалар тайёрлаш, республикамиз ҳудудларига театр жамоалари гастролларини фаол уюштириш, кўчма театрлар фаолиятини ташкил этиш, маҳалла ва қишлоқларда мактаб, коллеж ва лицей ўқувчиларини жалб қилган ҳолда кино ва театр клублари фаолиятини йўлга қўйиш;*

*– давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобини кенг тарғиб қилиш юзасидан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди кўмагида босма оммавий ахборот воситалари, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, "Ўзбеккино" агентлиги томонидан маънавиятимиз, қадриятларимиз, тарихимиз, санъат дурдоналари ҳақида тайёрланган мақолалар, эшиттириш ва кўрсатувлар, ҳужжатли, бадиий ва видеофильмларни DVD шаклида таълим даргоҳлари ахборот-ресурс марказларига етказган ҳолда улардан ижтимоий фанларни ўқитиш, маънавий-маърифий ишларида кенг фойдаланиш лозим.*

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Президентимизнинг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори ижроси йўлида тарғибот ишлари кучайтирилганлигини амалий натижалар мисолида кўришимиз мумкин. Аммо ютуқ бор жойда, камчилик бўлганидек, бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали кўп. Шу боис ушбу йўналишда вазирлик, идора ва ташкилотлар, таълим масканлари мутасаддилари, қолаверса, ҳар бир фуқаро зиммасидаги масъулиятни бирдек англаб, ён атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан ҳар доим бохабар бўлиб бориши лозим.

**Оллоёр БОБОНОВ,**
**Республика Маънавият тарғибот маркази бўлими мудири.**

*(Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмагида тайёрланди).*

Ўқув семинари

# МУҲИМИ – НАЗОРАТ ВА ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ

***Газетанинг ўтган сонида "Доимий изланиш ва интилиш тиббиёт талаби" мақоласида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш, молиялаштириш ва бошқариш кафедрасида бир ҳафта давомида ўтказилган малака ошириш машғулотларида орттирган билим ва кўникмалари хусусидаги тафсилотлари келтирилган эди. Қуйида бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари ва назорат инспекцияси раҳбарлари ўртоқлашиш истагини билдирган.***





**Умида ГАЗИЕВА,**
**Қашқадарё вилояти ССБ бошлиғи ўринбосари:**

– Тўрт йилдан буён кафедра ташкиллаштирадиган ўқув мажмуида қатнашиб келмоқдаман. Ҳар йилги ўқув режасида долзарб мавзулар қамраб олинаётганлиги раҳбар-ходимлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йилги машғулотлар "Ўзбекисонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича хизматлар такомиллашуви" мавзусига бағишлангани ҳам фикримизга яққол мисолдир. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, эндиликда аксарият ўқув жараёнлари бошқарма тизимидаги назорат инспекцияси раҳбарлари билан биргаликда ташкил этилгани том маънода иш фаолиятимиз давомида ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлайди.

Қолаверса, кафедранинг тажрибали профессор-ўқитувчилари, вазирликнинг етакчи мутахассислари томонидан мавзулар кенг ёритиб берилаётгани тизимни ташкиллаштириш, бошқариш, молиялаштириш борасида ҳам муҳим маълумотларга эга бўлишимизга имкон бўлмоқда.

**Аҳмаджон БОБОЖОНОВ,**
**Самарқанд вилояти ССБ назорат инспекцияси бошлиғи:**

– Мамлакатимизда кечаётган кенг қамровли ислоҳотлар, тизимдаги ижобий ўзгаришлар, кутилаётган янгиликлар хусусида машғулотлар давомида кўп маълумотларга эга бўлмоқдамиз. Ўқув мажмуининг афзаллиги айнан шунда деб биламан.

Кейинги йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш борасида кўп самарали ишларга қўл урилди. Шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг қарори билан бир неча йилларга мўлжаллаб қабул қилинган дастур изчил ҳаётга татбиқ этилаётгани, бу ҳақда халқаро экспертлар томонидан катта давраларда эътироф билдирилаётгани, шубҳасиз, биз, соҳа ходимларига ҳам ўз ўрнида ғурур бахш этади. Машғулотлар давомида бу мавзу кенг ёритиб берилди.

Шу ўринда бир фикр туғилди. Агарда семинар-машғулотлар бевосита жойларда, сайёр тарзда ташкил этилса, янада мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Абдулла ИБОДОВ,**
**Тошкент шаҳар ССББ бошлиғи ўринбосари:**

– Юртбошимиз томонидан жорий йил Обод турмуш йили деб эълон қилингани, муболағасиз, авваламбор тиббиёт ходимларига катта масъулият юклайди. Инсон соғлом бўлмаса, кўнглига ҳеч қандай ёруғлик татимайди, дейди халқимиз. Дарди борга малҳам бўлиш, жисмоний ноқулайликларни енгиб ўтишда айнан шифокорнинг ўрни, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, оқ халат соҳибларининг масъулияти алоҳида аҳамиятга эга.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ташкил этилган галдаги ҳафталик-семинар мавзулари кенг қамровга эга бўлди. Шу қаторда маънавий-маърифий ишларда самарадорликка эришиш масалалари ҳам муҳокама марказига кўтарилгани, албатта, бежиз эмас. Тиббиёт ходими билими, маҳорати, инсоний фазилатларини намоён этган ҳолда маънавият-маърифат тарғиботчисига айлана олади. Асосий фаолиятимизда ҳам, жамоат ишларида ҳам бу масала устувор бўлиб қолиши даркор.

**Равшан АЛИХЎЖАЕВ,**
**Тошкент шаҳар ССББ назорат инспекцияси бошлиғи:**

– Бу йилги малака ошириш машғулотлари замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилгани менда катта таассурот қолдирди. Бугунги глобаллашув даврида тиббиёт соҳасида ҳам фикрлар алмашинувисиз аниқ натижага эришиб бўлмайди. Бу борада имкониятлар кенгайган сари ишда самара ошаверади, демакки, хизмат кўрсатиш даражаси ҳам юқори бўлади. Ўқув жараёнларида бу ҳақда янги-янги маълумотларга эга бўлдик.

Малака оширувчилар учун институтда барча шароитлар яратилгани ҳам эътиборга лойиқ. Мавзулар бўйича савол-жавобларга тайёргарлик кўриш учун алоҳида компьютер хоналари ташкил этилган. Интернет тармоғидан ташқари, юртимиз ва дунё хабарларидан воқиф бўлишда маънавият ва маърифат хонасида доимо янгиланиб бориладиган босма оммавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш имкони катта.

Дам олиш соатларида спорт билан шуғулланиш, етакчи клиникалар фаолияти билан бевосита танишиш, вазирлик томонидан ташкил этиб келинаётган семинарларда иштирок этиш учун махсус автотранспорт ажратилганлиги ҳам вақтдан унумли фойдаланишда қўл келмоқда.

**Ибодат СОАТОВА.**
**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

Бизнинг расмий веб-сайтимизга ташриф буюринг: www.uzssgzt.uz

Болалар спорти

# ЎҚУВЧИ БОЛАЛАРНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТИББИЙ-БИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

**(Давоми. Боши ўтган сонларда).**

*2.5-жадвал*

**Ўқувчиларнинг уюшган ҳаракат фаоллигига доир гигиеник вақт меъёрлари**

| Ёши (йил) | Ҳаракат тури | Давомийлиги, дақиқа | Умумий вақт, дақиқа |
|---|---|---|---|
| 6-7 | Эрталабки гимнастика<br>Дарсларгача гимнастика<br>Дарслардаги жисмоний тарбия дақиқалар<br>Жисмоний тарбия дарси (ҳафтасига 3 марта)<br>Динамик танаффус<br>Кундузги уйқудан кейинги гимнастика<br>Сайр қилиш вақтидаги ўйинлар, спорт томошалари<br>Индивидуал машғулотлар | 10<br>10<br>10<br>35<br>25<br>10<br>60<br>10 | 105-170 |
| 8-10 | Эрталабки гимнастика<br>Дарсларгача гимнастика<br>Дарслардаги жисмоний тарбия дақиқалари<br>Жисмоний тарбия дарси (ҳафтасига 3 марта)<br>Динамик танаффус<br>Сайр қилиш вақтидаги ўйинлар, спорт томошалари<br>Тўгараклар, секциялардаги машғулотлар, ҳафтасига 2-3 марта | 10<br>10<br>10<br>45<br>25<br>60<br>60 | 115-220 |
| 11-14<br>15-18 | Эрталабки гимнастика<br>Дарсларгача гимнастика<br>Жисмоний тарбия дақиқалари<br>Танаффуслардаги серҳаракат ўйинлар<br>Жисмоний тарбия дарси (ҳафтасига 3 марта)<br>Сайр қилиш вақтидаги мустақил жисмоний машқлар<br>Спорт секцияларидаги машғулотлар<br>Жисмоний тарбиядан уйга берилган вазифа | 10-15<br>10<br>10<br>20<br>45<br>60<br>60<br>20 | 110-235 |

Жисмоний тарбия дарслари махсус гуруҳ ўқувчиларини жисмоний тарбиялашнинг асосий шакли ҳисобланади. Дарслар ҳафтасига 2-3 марта 45 дақиқадан ўтказилиши лозим. Машғулотнинг бошланғич қисмида шуғулланувчиларнинг кайфияти аниқланади. Ўз-ўзини ва томир уришини назорат қилиш машқи ўтказилади. Махсус тиббий гуруҳга киритилган мактаб ўқувчилари учун жисмоний тарбия дастурида, асосий гуруҳнинг ўқув дастурига қараганда тезлик, куч ва чидамлилик учун бажариладиган машқлар чегараланиши, юриш ҳамда югуришда масофалар қисқартирилиши керак. Қўшимча равишда нафас машқлари бўлими киритилади. Қоматни тўғри шакллантириш машқлари гуруҳидаги материал ва орқа ҳамда қорин мушакларини мустаҳкамлаш машқлари кенгайтирилади. Тирмашиб чиқиш ва акробатика батамом чиқариб ташланади. Шу билан бирга дастурга ўртача тезликда юриш билан навбатлаш керак бўлган ҳар хил сакрашлар киритилади ва тинчлантирувчи ҳамда нафас машқлари билан тугалланади. Дастурга асосан, гимнастика машқлари, енгил атлетика, чанғида учишни ўрганиш, серҳаракат ҳамда спорт ўйинлари элементлари киради. Жисмоний тарбия машқларининг мажмуи, услублари, МТГ машғулотларини ташкил этишдаги турли шакллар қанча кўп бўлса, кўп касалланадиган болаларнинг жисмоний тарбия билан боғлиқ жараёнлари шунчалик самарали бўлади. МТГга кирувчи болалар билан жисмоний тарбия машқларини ўтказиш алоҳида хусусиятларга эга.

Бу ўқувчилар гуруҳлари, шифокор хулосаси бўйича шаклланади ва мактаб директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади. МТГдаги машғулотларни мажмуий баҳолаш мезонлари – шифокорлик, педагогик назорат турларидан биридир. Ўқувчини МТГга киритишнинг асосий мезонларидан бири – организм функциясининг бузилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда ташҳис қўйиш ҳисобланади.

Кейинги мезон – жисмоний тайёргарлик даражасини аниілаш бґлиб, бемор боланинг индивидуал хусусиятларини µисобга олиш зарур. Бундай текширувларни педагог шифокор билан µамкорликда, саломатлик µолати таµлилларига асосланган µолда ґтказиши мумкин. Танлаб олишнинг яна бир муµим мезонларидан бири – марказий асаб тизими (МАТ)да бузилишлар бґлган ґіувчиларни функционал текширувдан ґтказиш бґлиб, бу тадбирга µаракатли реакцияларнинг кґп хусусиятлари боІлиі бґлади. Марказий асаб тизимида носозлиги мавжуд бґлган боланинг µолатини µисобга олиш, жисмоний тарбия машілари ёрдамида самарали кґмаклашиш учун истисносиз муµимдир. Жисмоний тарбия ґіитувчиси болаларнинг саломатлик µолатини кузатиб бориши, машІулотлар пайтида ижобий µис-µаяжонга тґла муµитни яратиш учун барча воситалардан фойдаланиши ва шу оріали боланинг ґз кучига ишонч µосил іилишига раІбатлантирмоІи лозим. МТГга (махсус тиббий гуруµ) танлаб олинган болаларнинг муµим мезонларидан бири – уларнинг ташіи муµити омилларини баµолашга хизмат іилади: µаёт шароитлари, овіатланишнинг хусусиятлари, мактабда ва уйдаги руµий иілим ва µоказо.

**МТГ МАШЎУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТУРЛИ ШАКЛЛАРИ**

*1. Машғулотларнинг қўшимча дарслик шакллари (дарсгача ва ундан сўнг).*

Саломатлик ҳолатида чекланишлари мавжуд бўлган болалар жисмоний тарбия билан бевосита мактабда шуғулланишади. Бундай машғулотлар кун тартибида режалаштирилади, дарсгача ёки ундан сўнг ҳафтасига икки марта 45 дақиқадан ёки ҳафтасига 3 марта 30 дақиқадан ўтказилади. Жисмоний тарбиянинг қўшимча дарслари тез ва узоқ вақт касалланадиган МТГга кирган болалар учун куннинг иккинчи ярмида, шифокорлик-педагогик назорати мавжуд бўлган ҳолларда ва кўнгилли ёрдамчилар (волонтёрлар) иштироки билан анча самарали бўлади. Жисмоний тарбия масалаларини ҳаётга жорий этишда тақсимлашларнинг индивидуаллашуви, нафақат тез касалланадиган гуруҳлар ичида, ҳатто бир-бирига ўхшаш ташхислари ва турли ёшда бўлсалар ҳам, бироқ ўша-ўша бир хил ўқувчига нисбатан, ўзининг захирали имкониятларини машғулотлар давомида ўзгартирган ва тайёрлов гуруҳига ўтишга шайланган болаларда муҳим аҳамият касб эта бошлайди. Қўшимча дарсларда қўлланиладиган услублар қанчалик турли-туман бўлса, бундай машғулотларнинг самарадорлиги ҳамда нафи шунча юқори бўлади. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, мактаблардаги бу каби машғулотлар шакли, кўпинча бошланғич синф ўқувчилари учун ўтказилади. Негаки, юқори синфлар ўқув машғулотларининг кун тартиби шундоқ ҳам анчагина юкламаларга эга.

*2. Машғулотларнинг дарслик шакллари (индивидуал-табақалашган ёндашув ва касалланган болаларнинг интеграцияси).*

Кўпинча, саломатлигида чекланишлари бўлган болалар жисмоний тарбия машғулотларида соғлом болалар билан иштирок этишади. Саломатлик ҳолатидаги бузилишлари бўлган болаларнинг соғлом болалар гуруҳидаги интеграцияси ўзининг мураккабликларига эга. Булар индивидуал ёндашувларни амалга оширишдаги қийинчиликлар, ўз кайфиятининг назорати ва юкламаларнинг тақсимланишида намоён бўлади. Жисмоний тарбия ўқитувчиси дарсда, асосий гуруҳ билан бундай машғулотларни фақат тиббий ходим ёки волонтёр бўлган ҳоллардагина ўтказиши мумкин.

МТГдаги болалар машғулотининг самарадорлигини баҳолаш мезони – бу мазкур болаларнинг тайёрлов гуруҳига ўтишдан иборатдир.

*3. Даволаш физкультураси иштирокидаги машғулотлар (ДФК).*

Сурункали касалликлари мавжуд болалар учун ДФК даволаш-профилактика муассасаларида мутахассис – тиббий ходимлар, услубчилар томонидан ўтказилади. Саломатлиги яхшилана боришига қараб, болалар ўз синфидаги соғлом болалар билан машғулотлар ўтказиши мумкин. Бунда улар машғулотларнинг дарслик шакллари шароитига амал қиладилар. Саломатликда чекланишлари бўлган болалар учун ҳаракатли тартиб фойдали. Улар сайр қилиш, яқин атрофга саёҳат, жисмоний машқлар, рақслар, ҳаракатли ўйинлар, чиниқиш, яъни кўникмали жисмоний тарбия (КЖТ) воситаларидан фойдаланишлари мумкин.



Ҳаракатли тартиб давомийлиги об-ҳаво, ҳаво ҳарорати ўқувчиларнинг жисмоний ҳолатига боғлиқ ҳолдаги кундалик сайрларни ўз ичига олади. Шу маънода тақсимланган жисмоний юкламалар ва ҳис-ҳаяжонларга бой бўлган ҳолатларни таъминловчи яқин туризм ниҳоятда ижобий ҳодиса сифатида ўзини оқлаган. У ёрдамида организмнинг асаб тизимидаги зўриқиш ҳолларидан фориғ бўлиб, умумий жисмоний тайёргарлик ошади. КЖТдаги жисмоний машқлар соғломлаштириш, умуммустаҳкамловчи даволовчи машқлар, йўқотилган функциялар максимал даражада тикланишига йўналтирилган, компенсацияларни шакллантириш ва ҳаракатли сифатларни ривожлантиришни (кучлилик, чаққонлик, тезкорлик, эгилувчанлик, чидамлилик каби) ўз ичига олади. Мана шу изчилликдаги машқларни қўллаш заифлашган организм учун соғломлаштирувчи, ривожлантирувчи таъсирни таъминлайди. Жисмоний машқларни танлаш жисмоний тарбиянинг асосий жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Индивидуал тартибда бажариш мумкин бўлган, енгил тақсимланадиган жисмоний машқлар танлаб олинади, улар кўникмали имкониятларни шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, шикастланган мушакларнинг тикланишини рағбатлантирувчи, мушакли гуруҳлар ҳамда таянч-ҳаракатли аппарат каби бошқа функционал тизимларни ҳам бузилган функцияларини тиклайди.

Машғулотлар жисмоний тарбия ўқитувчилари, тренерлар, ДФК ўқитувчилари каби умумий ва қисман патология асослари, нормал ва патологик анатомия ҳамда физиологиянинг хусусиятлари, КФД услубиёти ва назарияси қонуниятлари, нозологияга тегишли равишдаги қонуниятларни яхши билувчи мутахассислар томонидан олиб борилади.

Ҳаракатли фаолликнинг ривожланиши КЖТда умумий жисмоний тарбия услублари асосида негизланади. Жумладан, куч имкониятларини тарбиялаш учун чексизлик саъй-ҳаракатлари услубини кўплаб такрорлаш орқали, мусобақали ва ўйинли услубларга куч характердаги машқларни киритган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқдир. КЖТнинг услублари ҳақида бўлимларда муфассал тўхталиб ўтилади.

Тезкорлик – такрорий, ривожланувчи машқлар, ўйинли ва мусобақали усуллар орқали ривожлантирилиши мумкин.

Чидамлилик бир маромдаги, узлуксиз, такрорий, танаффусли машқлар, ўйинли ва мусобақали усуллар орқали ривожлантирилади.

Эгилувчанлик маҳаллий (машқлар алоҳида олинган бўғинларнинг ҳаракатини ривожлантиришга йўналтирилган бўлади), интеграли (машқлар ҳаракатлар бўғинлар тизимида кенг қулоч ёйиш учун йўналтирилган, ҳаракатли вазиятларга боғлиқ ҳолда тана ҳолатини ўзгартиришга имкон берадиган), ўйинли ва мусобақали усуллар орқали ривожланади.

Чаққонлик махсус машқлар – мушакли саъй-ҳаракатларнинг дифференциаллашиши, бўшлиқни дифференциаллаштириш, қобилиятни такомиллаштириш, вақт давомида ҳаракатларни дифференциялаш, мувозанатни сақлаш функцияларини такомиллаштириш, тақсимланган зўриқишлар ва бўшашишлар уйғунлиги ёрдамида ривожлантирилиши мумкин. Ўз ичига югуриш, тўп отиш, тепага кўтарилиш каби чаққонлик эстафеталари ҳам яхши фойда беради.

КЖТ машғулотларида янада кўпроқ самарадорликка эришиш учун жисмоний тарбиянинг услублари ва турли воситалардан фойдаланиш тавсия этилади. Сабаби, фойдаланилаётган воситаларнинг кўникмали турлилиги ва уларни ўз вақтида навбатлаштириб туриш ижобий физиологик самарани оширади ҳамда машғулотларга қизиқиш уйғотиб, ҳис-ҳаяжонли муҳитни яратади, чарчоқнинг олдини олади.

**Дилором АҲМЕДОВА,**
**Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор.**

**(Давоми бор).**

## Медицинские учреждения страны

# БОЛЕЗНЬ С «АКЦЕНТОМ» НА ПРОФЕССИЮ

***Признание окружающих, творческий и духовный рост, материальное благополучие... "Плоды", которые приносит нам труд, увы, не всегда столь приятны и уверяют нас в правильности выбранного пути. В той или иной работе существует немало факторов со знаком "минус", заставляющих порой серьезно задуматься о будущем. И дело здесь вовсе не в уровне подготовки специалиста, его способности к постоянному самосовершенствованию. Причиной бить тревогу нередко становятся самые различные заболевания, связанные с профдеятельностью.***

***"Предупредить легче, чем лечить" – гласит древняя мудрость. И сегодня, много веков спустя, она не теряет своей актуальности. Насколько часто специалистам удается вовремя распознать болезнь, связанную с трудовой деятельностью, кто в ответе за уровень безопасности на производстве и каковы профилактические меры, позволяющие сохранить здоровье работников? С этими и другими вопросами я обратилась в Научно-исследовательский институт санитарии, гигиены и профессиональных заболеваний, который является единственным в республике медучреждением в этом направлении.***



– Переступая порог нашего медучреждения, люди, конечно же, надеются на помощь – своевременную, грамотную, всестороннюю. Такую поддержку призваны оказывать 26 врачей, 60 медсестер НИИ, действующего уже без малого 80 лет, – **рассказывает главный врач Бахтиер Рискиев.** – Большую роль в повышении квалификации кадров играет курс по профпатологии при Ташкентском институте усовершенствования врачей. Для будущих же специалистов в этой сфере бесценным опытом является совмещение теоретических знаний с практическими навыками. При НИИ санитарии, гигиены и профессиональных заболеваний работает кафедра пропедевтики внутренних болезней, гематологии, военно-полевой терапии и профессиональных заболеваний Ташкентской медицинской академии.

Наш институт помогает больным с профзаболеваниями со всей республики, многие из них находятся на диспансерном учете 20-30 лет, получают специфическое лечение в клинике под наблюдением узких специалистов – профпатологов, гинекологов, урологов, эндокринологов... Клиника рассчитана на 100 коек, а стандартный курс лечения составляет 12 дней. При этом хочу заметить, что наше учреждение является государственным и ежегодный курс лечения для больных проводится бесплатно. При институте действует единственная в республике комиссия, которая устанавливает диагноз "профессиональное заболевание".

**– Каковы основные критерии в определении диагноза, как обстоит дело в этом направлении в областях?**

– Требования и порядок медосмотра закреплены в приказе Министерства здравоохранения Узбекистана "Об утверждении положения о проведении медицинского осмотра работников", который был зарегистрирован в Минюсте 29 августа 2012 года и введен в действие с 8 сентября того же года. Этот приказ является основным нормативным документом, регулирующим нормы медицинского осмотра и выявление профзаболеваний. Утвержден перечень вредных и опасных веществ, других производственных факторов, при которых необходим постоянный медицинский осмотр работников. Также указаны медицинские противопоказания к определенной профессии, говорится о необходимости проведения лабораторных и функциональных исследований. Хотелось бы отметить и тот факт, что требования данного приказа обязательны для всех субъектов независимо от форм собственности.

Бывает, что встречаются спорные вопросы, когда человек не согласен с диагнозом комиссии, уверен, что у него диагноз "профессиональное заболевание". Чтобы избежать подобных случаев, необходимо перед поступлением на работу пройти медосмотр. Так впоследствии легче будет доказать свою правоту, если спустя несколько лет появились признаки заболевания.

Вообще же в практике подозрение на профессиональное заболевание определяется при медосмотре на предприятии. В зависимости от степени вредности труда осмотр проводится один либо два раза в год, и уже потом медкомиссия дает направление в НИИ с подозрением на профессиональное или соматическое заболевание. Как правило, медосмотр проводят специалисты ведомственных предприятию медучреждений совместно с санитарно-эпидемиологической службой (на крупных предприятиях эту миссию осуществляют внутренние медсанчасти).

Для установления диагноза существуют определенные требования. В частности, учитывается стаж работы, изучается история болезни, необходима характеристика рабочего места в лице санэпидемслужбы, прослеживается профмаршрут работника. Лишь после детального изучения и сопоставления полученных сведений устанавливается связь болезни с трудовой деятельностью.

Что же касается регионов республики, контроль за больными, как правило, возлагается на врача-профпатолога при облздраве. Однако, увы, такие специалисты есть не во всех областях, что затрудняет своевременную организацию профилактики профессиональных заболеваний на рабочих местах, учет больных.





**– Можно ли выделить наиболее часто встречающиеся в нашей республике профзаболевания?**

– Насчитывается свыше ста различных заболеваний, связанных с трудовой деятельностью. Но наиболее часто встречаются около тридцати, к примеру, это заболевания неврологические, органов дыхания, слуха. Заболевания органов дыхания чаще диагностируются у работников химической и горнорудной промышленности. Отравление ядохимикатами часто встречается и в сельской местности, в частности, у специалистов станций защиты растений. Вредной можно смело назвать и работу в столовых, где повышенная влажность, постоянно скапливаются пары, выделяются канцерогенные вещества.

Одним из самых распространенных заболеваний органов слуха и неврологических является кохлеарный неврит (понижение остроты слуха), характерный в основном для летчиков.

**– Мы живем в век высоких технологий. Несомненно, в том много преимуществ, но сегодня ученые-медики всего мира говорят и о вреде, скажем, компьютеров на организм человека...**

– Проблемы со здоровьем, возникающие при работе с компьютерной техникой, не учтены в списке профзаболеваний. Возможно, это связано с недостатком научных изысканий в этой области, пока не обозначена прямая связь между тем или иным заболеванием при работе с данной техникой.

Но замечу, что для работы на компьютере, как, впрочем, и любой другой технике, действуют санитарные требования. Нельзя сидеть за монитором более 45 минут подряд. Должен соблюдаться хотя бы 15-минутный отдых, что позволит избежать многих болезней органов зрения, а также облучения электромагнитными полями. Вообще соблюдение всех норм и правил труда в любом производстве помогло бы во много раз сократить число профессиональных заболеваний.

**– Кто несет ответственность за соблюдение норм трудовой деятельности, техники безопасности производства?**

– При поступлении на работу, особенно на вредное производство, в трудовом договоре, заключаемом между работодателем и работником, оговариваются такие пункты, как обеспечение нормальных условий со стороны первого (к примеру, обязательное наличие приточно-вытяжной вентиляции, нормального освещения, температуры воздуха, а если это вредное производство, обеспечение спецодеждой, соответствующим питанием). Кроме того, администрация должна своевременно выявлять профзаболевания и давать рекомендации на перевод сотрудника на другую должность, обязательное прохождение им профилактического или санаторно-курортного лечения. Если же эти пункты не выполняются, работник вправе обратиться за помощью в профсоюз.

Кроме того, при Министерстве труда действует инспекция по контролю условий труда, осуществляющая совместную деятельность с соответствующими структурами Минздрава, также уполномоченная разрабатывать отдельные нормативные документы. При инспекции есть лаборатория, которая определяет соответствие рабочего места нормативам.

**– Профессиональное заболевание можно назвать хроническим, не так ли? Известно, что в зависимости от степени тяжести заболевания человеку дают ту или иную группу инвалидности. Сохраняется ли право за пациентами НИИ проходить лечение здесь и после ухода с вредного производства?**

– Несомненно, если человек однажды "заработал" себе подобную болезнь, она остается с ним на всю жизнь. Группу инвалидности определяем не мы, а врачебно-трудовая экспертиза при Министерстве финансов республики. Но право на ежегодное обследование в нашем институте и лечение сохраняется за больным в любом случае.

**– Что можете сказать о состоянии материально-технической базы института, планах НИИ на будущее?**

– В соответствии с распоряжением Министерства финансов республики подана заявка на обеспечение научно-исследовательского института санитарии, гигиены и профессиональных заболеваний современным медицинским инвентарем и оборудованием, что, несомненно, будет способствовать совершенствованию методов диагностики заболеваний, а значит, и повышению качества лечения наших пациентов.

**Беседовала Оксана КАДЫШЕВА.**
**Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.**

**Специалист предупреждает**

# ГЕЛЬМИНТЫ И ПАТОЛОГИЯ ОРГАНИЗМА

***Среди различных заболеваний, свойственных человеку, самыми распространенными являются гельминтозы. По данным ВОЗ, гельминтозами страдают более 90% жителей стран Африки, Азии и Латинской Америки. В мире зарегистрировано 1 млрд. случаев аскаридоза, 900 млн. – анкилостомидоза, 500 млн. – трихоцефалёза.***

В Узбекистане гельминтозы занимают значительный удельный вес в краевой патологии человека. В республике регистрируется примерно 10 нозологических форм гельминтозов. Широкое распространение имеют энтеробиоз (возбудитель острица – Enterobius vermicularis, L., 1758), гименолепидоз (возбудитель карликовый цепень – Hymenolepis nana, Siebold, 1852), аскаридоз (возбудитель аскарида – Ascaris lumbricoides, L., 1758), тениаринхоз (возбудитель бычий цепень – Taeniarhynchus saginatus, Goeze, 1782), трихоцефалез (возбудитель власоглав – Trichocephalus trichiurus, L., 1771). Часто имеет место эхинококкоз (возбудитель эхинококк – Echinococcus granulosus, Batsch, 1786).

В горно-предгорных зонах Ферганской, Наманганской и Сурхандарьинской областей регистрируются очаги аскаридоза и трихоцефалёза, в Хорезмской области распространён тениаринхоз. Энтеробиоз и гименолепидоз встречаются повсеместно как в городской, так и в сельской местности. Пораженность детей гельминтозами в отдельных детских учреждениях составляет 10-15%. Часто имеют место смешанные паразитарные инвазии, когда у больного одновременно паразитируют несколько видов гельминтов.

Гельминты, или глисты, представляют собой многоклеточные животные организмы с паразитическим образом жизни. Питаются гельминты за счет пищи и тканей хозяина.

Заболевания, вызываемые паразитированием гельминтов в организме человека, называются гельминтозами.

Понятия о гельминтах и гельминтозах известно человечеству с древнейших времён. О них упоминается еще в египетских папирусах. Крупнейший древнегреческий врач Гиппократ указывает на гельминтов как на причину ряда болезней. Их описывает также Абу Али ибн Сино (Авиценна).

Медицинское значение имеют более 270 видов гельминтов, относящихся к трем классам: Nematoda (круглые черви), Cestoda (ленточные черви), Trematoda (сосальщики).

Организм, в котором гельминт достигает половозрелой стадии, является окончательным хозяином. Организм, в котором происходит развитие личиночной стадии гельминта, является промежуточным. В некоторых случаях полное развитие гельминта завершается в результате смены трех хозяев, помимо окончательного и промежуточного хозяина, имеется еще и дополнительный хозяин.

В зависимости от механизма передачи инвазии гельминтозы человека делятся на три группы: геогельминтозы, биогельминтозы и контактные гельминтозы.

1. Геогельминтозы – инвазии, возбудители которых развиваются прямым путем (без участия промежуточного хозяина) и передаются человеку через элементы внешней среды (почву,



овощи, ягоды и пр.), загрязненные инвазионными (способными к заражению) яйцами (личинками).

*Примеры*: аскаридоз, трихоцефалёз.

2. Биогельминтозы – гельминтозы, возбудители которых развиваются с участием промежуточных хозяев и передаются человеку через ткани тела последнего.

*Примеры*: тениаринхоз, эхинококкоз.

3. Контактные гельминтозы – гельминтозы, возбудители которых развиваются в непосредственной близости к человеку и передаются через руки больного или через окружающие его предметы.

*Примеры*: энтеробиоз, гименолепидоз.

Сроки жизни гельминтов в организме человека колеблются в больших пределах – от нескольких недель (острицы) до нескольких лет (бычий, свиной цепни).

Все органы и ткани человека могут служить местом обитания гельминтов. Каждый вид паразитических червей имеет специфическую локализацию, однако некоторые из них (например, эхинококк в личиночной стадии) могут паразитировать в любом органе или ткани тела человека.

Некоторые виды гельминтов в разные фазы своего существования имеют различную локализацию в организме одного и того же хозяина. Например, половозрелые трихинеллы паразитируют в кишечнике, а их личинки – в поперечнополосатой мускулатуре.

Число экземпляров отдельных видов паразитических червей у одного человека может колебаться в больших пределах – от одного до тысячи. Весьма интенсивное заражение нередко наблюдается, например, при инвазии карликовым цепнем, острицами. Даже такие крупные гельминты, как широкий лентец и бычий цепень, иногда паразитируют в нескольких десятках экземпляров.

Вызывая у человека преимущественно хронические заболевания, гельминты оказывают многообразное патологическое воздействие на состояние здоровья, прежде всего, детского организма.

Даже длительное паразитирование гельминтов в организме больного может не приводить к выраженным острым клиническим проявлениям. Многолетнее течение гельминтозов сопровождается различными проявлениями: утомляемостью, слабостью, снижением аппетита и др. Эти признаки астенизации организма, как правило, не ассоциируются в глазах врачей общей практики с присутствием паразитов, что, в свою очередь, приводит к поздней диагностике, а часто и к неправильно поставленным диагнозам.

Патогенное воздействие гельминтов на человека состоит из сенсибилизации организма с последующим развитием аллергических реакций, токсического действия, механического повреждения тканей и кровеносных сосудов, поглощения крови и некоторых пищевых веществ, в частности витаминов, а также заноса (инокуляции) микробной флоры. Гельминты снижают иммунное состояние орга-



низма и отрицательно влияют на развитие поствакцинального иммунитета.

Сенсибилизация организма вызывается продуктами обмена и распада гельминтов, обладающими антигенными свойствами. В результате сенсибилизации организм приобретает способность к развитию аллергических реакций, возникающих при повторных поступлениях антигенных веществ. Наиболее ярко аллергические реакции проявляются при супер– и реинвазиях, но могут иметь место и при первичном заражении, так как в процессе развития инвазии продукты обмена гельминтов поступают в организм человека более или менее длительное время. Аллергические реакции могут носить как местный, так и общий характер. Местные реакции возникают в тканях, непосредственно в которые поступают антигены, выделяемые гельминтами. Они проявляются воспалительным процессом с развитием инфильтратов, состоящих в основном из эозинофилов, гранулём и некрозом тканей. Общая аллергическая реакция может протекать в виде крапивницы, лихорадки, эозинофилии крови, а иногда и анафилактического состояния вплоть до развития шока.

Механическое воздействие гельминтов, прежде всего, состоит в травмировании тканей хозяина органами прикрепления паразитов. Способы, какими гельминты прикрепляются к тканям хозяина, различны, и не каждый из них в одинаковой степени приводит к нарушению целостности тканей.

Например, бычий цепень травмирует слизистую оболочку кишечника своими мощными присосками, а свиной и карликовый цепни еще и скарифицируют ее хитиновыми крючочками, расположенными на вершине головки (сколекса). Это приводит к развитию воспалительных процессов в слизистой обо-



лочке, сопровождающихся выделением большого количества слизи. Власоглавы “прошивают” кишечник своим тонким головным концом, вследствие чего в слизистой оболочке образуются особые ходы, в дальнейшем значительно расширяющиеся.

Большую роль в травмировании тканей играет миграция личинок гельминтов (например, аскарид).

Гельминты могут наносить повреждения организму также путем давления, производимого ими на окружающие ткани (например, эхинококковый пузырь), иногда это проявляется закупоркой просвета органов. В качестве примера можно указать на развитие механического илеуса при аскаридозе, на асфиксию в результате проникновения взрослых аскарид в органы дыхания. Грозные проявления болезни возникают при проникновении аскарид в общие желчные и панкреатические протоки. Прободение гельминтами кишечной стенки обуславливает развитие перфоративного перитонита. В результате механического и токсического влияния гельминтов происходит изменение функции не только тех органов, в которых обитают гельминты, но и органов, свободных от паразитов. В итоге при гельминтозах, помимо местных поражений отдельных органов, развивается заболевание всего организма в целом.

Занос (инокуляция) микробной флоры может осуществляться как личинками паразитических червей, так и взрослыми гельминтами. Личинки могут способствовать проникновению бактерий в ткани хозяина тремя путями: 1) при внедрении в кожные покровы из внешней среды; 2) в момент внедрения в кровеносные капилляры из просвета кишечника; 3) во время выселения из кровеносной системы в ткань легкого.

Непосредственное потребление пищевых ресурсов человека осуществляется в основном крупными цестодами (лентецы, цепни бычий и свиной), которые обладают мощным, быстро растущим телом, абсорбирующим питательные вещества всей своей поверхностью. Однако и мелкие по относительным размерам черви (цепень карликовый, острицы), но паразитирующие в большом числе, могут поглощать значительное количество пищевых запасов хозяина. Одновременно паразиты поглощают витамины, в результате чего могут развиться гиповитаминозы и даже авитаминозы.

В последние годы в значительной степени удалось расшифровать механизм воздействия гельминтов на иммунную систему человека. Гельминтозы, даже при отсутствии выраженной клиники, могут создавать вторичные иммунодефицитные состояния.

Новые научные факты требуют пересмотра роли гельминтов в патологии человека. Эта роль не исчерпывается традиционным представлением о гельминтах только как о возбудителях паразитарных болезней. Присутствие этих паразитов приводит не только к развитию специфических для них клинических проявлений. За счет аллергизации и подавления иммунитета гельминты создают предпосылки к снижению эффективности вакцинопрофилактики и более частому возникновению других инфекционных и неинфекционных заболеваний. При этом излечение последних часто затруднительно или невозможно без одновременного проведения специфической противогельминтной терапии. Понимание более широкого участия гельминтов в патологии человека требует значительно больших усилий в проведении профилактики этих болезней. Во многих случаях массовое распространение гельминтозов является определяющим фактором состояния здоровья населения эндемичных территорий.

Укрепление организма больного приводит к усилению комплекса защитных реакций, имеющихся в каждом нормальном организме, в результате чего равновесие системы “хозяин–паразит” нарушается и последний теряет свою активность, а в ряде случаев погибает. Таким образом, сопротивляемость организма к тому или иному виду гельминтов находится в прямой зависимости от общей устойчивости организма. Все факторы, укрепляющие организм больного, повышают его устойчивость к паразиту и помогают бороться с ним, тогда как факторы, действующие отрицательно (недостаточное питание, стрессовые ситуации, сопутствующие заболевания и др.), снижают сопротивляемость организма и приводят к развитию тяжёлых форм болезни.

**Тельман АБДИЕВ,
заведующий
отделением научно-
исследовательского
института медицинской
паразитологии
Минздрава РУз, доктор
медицинских наук.**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

*Изланувчан ёшлар*

# ИСТЕЪДОД, БИЛИМ ВА МАҲОРАТ УЙҒУНЛИГИ

***Бугунги кунда таянчимиз ва суянчимиз бўлган фарзандларимиз, дарҳақиқат, Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, ҳал қилувчи кучга айланиб бормоқда. Бу борада кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Бироқ дастлаб шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, биз, ота-оналар, устозлар, умуман катта авлоднинг вазифаси ёшларимизни эзгуликка ўргатиш, Ватанга, халққа, бой маънавий қадриятларимиз ва илмий меросимизга садоқат руҳида тарбиялаш, етук мутахассис қилиб вояга етказишдир.***

Тошкент фармацевтика институтида бутунлай янгича шароит ва муҳитда камол топаётган, мустақил фикрлайдиган, эртанги кунга дадил қадамлар билан интилаётган ёш авлод вакиллари сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Ўғил-қизларимиз истиқлолимиз эъзозу эътиромида, Президентимизнинг беқиёс ғамхўрлиги ва нурли умиди тафтидан баҳраманд бўлиб улғаймоқда.

Бизнинг олий таълим муассасасида устоз-шогирд анъаналари яхши йўлга қўйилган. Истеъдодли ёшларимиз орасида Президент, шунингдек Ибн Сино номидаги стипендиялярга сазовор бўлганлари кўп. Бундай талабаларимиз илмий жамият, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан фаол ҳамкорлик қилишади.

Қувонарлиси, иқтидорли ёшларимиз ижодга, айниқса илм бобидаги фаолиятга кўнгил мунавварлиги деб қарайди. Тошкент фармацевтика институтида эса ўз вужуди ва руҳиятини бошқара олиш қобилиятига эга, ҳар ишга мустақил, яхши ният, астойдил завқ ва шавқ билан киришадиган, доимо ишонч, қатъият ва журъат ҳисси билан яшайдиган, ҳаётдаги қийинчиликларни осон енга оладиган ёшларимиз жуда кўп. "Ижод булоғи"нинг сувидан татиб кўрган талаба-ёшларимиз ҳар бир илмий мақоласи чоп этилганда, ихтироси учун патент олганда ёки илмий маърузалар қилганда, ўзини ўзи қайтадан кашф этгандек ҳис этади.

Анорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедрасида ҳам биринчи босқичдан бошлаб, беш йил давомида талабалар илмий тўгарагига қатнаётган ёшларимизнинг турли мавзулардаги тадқиқотлари кенг эътироф топмоқда. **Жумладан, интилишлари натижасида Ибн Сино номидаги стипендияга сазовор бўлган** Авез Шарипов, Рухсона Зокирова, Сония Фозилжонова ва Аброр Муҳитдиновлар танловсиз магистратурага қабул қилингани биз, устозлар учун ғурурлидир.

**Докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга тайёрганлик кўраётган Авез Шарипов** ҳали талаба бўла туриб, ихтиролари учун иккита патент олган, ўндан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир. Самарқандда ўтказилган "Талабалар баҳори – 2008" фестивалида илмий ишлар йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаган.

**Германиянинг Зиген шаҳридаги университетида таҳсил олаётган Сония Фозилжонова** кафедра номига йўллаган хатида шундай ёзади: "Бугунги замон шуни талаб этмоқдаки, ҳар бир ёш ўз мутахассислигини пухта билишдан ташқари, инглиз ва бошқа хорижий тилларни, компьютерда ишлашни жуда яхши билиши зарур. Интернет орқали бутун жаҳон билан тиллашиш имкони туғилади. Шукроналар бўлсинки, бизнинг Тошкент фармацевтика институтида бундай шароитлар тўла яратилган".

**Рухсона Зокирова биз билан суҳбатда** ёшлар энг аввало институтда олган билимлари билан чекланиб қолмаслиги, тафаккури, дунёқарашини доимо кенгайтириб бориши, тинимсиз иш билан машғул бўлишдан чарчамаслиги керак дейди. Айтиб ўтиш жоизки, бу ёш олиманинг антибавосил суртмаси кўринишидаги ишланмаси маҳаллий хом ашё асосида тайёрланган бўлиб, яраларни битказиш, куйган, яллиғланган жойларни даволаш хусусиятига эга. Яқин орада Рухсона яна бир ишлаб чиққан янги универсал суртмаси бўйича ҳужжатларни ихтиро сифатида патент идорасига тақдим этиш арафасида.



– Мен ҳам муайян билимлар чегараси билан кифояланишни маъқул кўрмайман, – **дейди Аброр Муҳитдинов.** – Ижод ниҳоятда лаззатли. Бизнинг давлатда билим-илм эгаллаш учун ҳамма шароит мавжуд. Ўқишнинг дастлабки босқичларида мен саримсоқ пиёз мойли экстрактини олиш технологияси ва стандартизацияси устида ишлаганмиз олиб борган. Мақсадимга эришдим. Ишлаб чиққан ялллиғланиш, гаймoритга қарши ишлайдиган мэкритин воситаси бўйича ҳужжатларни Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасига тақдим этдим.

**Ёш изланувчилардан бири Фарҳод Солиҳов** ҳам талабалик давридаёқ маҳаллий хом ашё бўлмиш мўмиёни тозалаш, стандартлаш ва капсула дори шакли технологияси ва сифатида тадқиқ учун усулларини ишлаб чиқишга муваффақ бўлган. Ҳозирда унинг яратган бу капсулалари саноат миқёсида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган. Ёш олим айни пайтда мустақил изланувчи сифатида докторлик диссертацияси устида тадқиқотлар олиб бормоқда.

**Талабаларимиздан Юлдуз Асланова, Соҳиба Холмурзаева, Гулраъно Аҳмадовалар** ҳам ҳар томонлама шаклланган илмий мавзулари бўйича тадқиқотларини давом эттирмоқда. Юлдуз сирт фаол моддалар иштирокида кукун ҳолидаги дори субстанциялари дисперслигини ошириб, нанозаррачалар олиш, уларнинг биосамарадорлигини ошириш билан шуғулланса, Соҳиба маҳаллий шароитда ўсадиган Зарафшон арчаси уфор мойларини ўрганиш билан банд, Гулраъно эса каштан мевасидан эсцин моддасини ажратиб олиш устида тадқиқотлар олиб бормоқда. 2012 йилда Юлдуз ва Соҳиба Зулфия номидаги Давлат мукофоти танлови босқичларда муваффақиятли иштирок этишди. Жумладан, Юлдуз Асланова танловнинг республика босқичига тавсия этилган.

Биз Тошкент фармацевтика институтининг биргина Анорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедрасида илмий тадқиқотлар олиб бораётган ижодкор ёшлар ҳақида қисқача фикр юритдик. Аслида бундай иқтидор соҳиблари институтимизда бисёр.

**Биз, устозлар, ижодкор ёшларимизга изланишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз ва келажакда юртимиз фармацевтика соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшишларига ишонамиз.**

**Собиржон АМИНОВ,**
**Тошкент фармацевтика институти Анорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедраси профессори, кимё фанлари доктори.**

*(Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмагида тайёрланди).*

*Фахр*

# ШИФОКОР ҚИЗИМАН

***Дунёда энг катта бахт нима? Мен ақлимни таниб, яхшилик ва ёмонликларни фарқлай бошлаганимданоқ, бу саволга падари бузрукворим ва муҳтарама онажонимнинг ҳаётдаги шиорларидан жавоб топгандек бўлдим. Энг улуғ бахт ўзгаларга мурувват кўрсата олмоқ, умидвор нигоҳларга қувонч улашишдир.***

"Шифокор" сўзини англаб етибманки, кўз олдимга меҳр-оқибатли, имон-эътиқодли, ҳар лаҳза ҳузур-ҳаловатидан кечиб, мададга шай тургувчи оқ либос соҳиби намоён бўлади. Дарҳақиқат, ота-онам, қайнота-қайнонам, турмуш ўртоғим ҳам бу савобли касб эгалари. Бизнинг оила – шифокорлар оиласидир.

Онажоним альбомларининг биринчи бетига Гиппократ қасамёдини битиб қўйганлар. Гарчанд бу қасамёднинг ҳар сатри ойим билан дадажонимга ёд бўлиб кетган бўлса, қайтақайта ўқишаётганини кўриб қоламан. Бу менга касбга садоқат билан ёндошиш, одамларни севишдек ғўзал туйғуларни ҳадя этаверади.

Шифокор ва бемор... Бу бир-бири билан, балки, дўст, балки, бегона кишилар ўртасидаги муносабатни ҳаётнинг бошқа ўринларидаги алоқаларга қиёслаш мумкинми? Масалан, муаллим ва ўқувчи, судья ва айбланувчи, солиқ ходими ва фуқаро, сотувчи ва харидор... Йўқ! Зеро, менинг назаримда, шифокорнинг касалга муносабатида билим, салоҳиятидан ташқари, ғамхўрлик, меҳр-мурувват ҳамиша устун туради. Бошқа касб эгаларининг ўзаро муносабатларида самимият, ҳурмат, инсонийлик фазилатлари мужассам бўлмоғи лозимдир.

Шифокор дардман ҳалоскори. Бир оғиз ширин сўзи жонига аро кирадигандек, инсон оқ халат соҳибларига ишонади, умидвор кўнгиллларнинг нажоткори деб билади.

*Жаннатга айланиб уйу остонам,*
*Гар бўлса ёнимда отаю онам.*
*Кўп дардига малҳам изларлар ҳар он,*
*Шунинг учун кутлуғдир азиз кошонам.*
*Таъриф излаб улуғ аъмолингиз,*
*Сўз ожиз, ожиздир қўлимда қалам.*
*Англадим, шифокор бўлса собит сўз,*
*Меҳр ила ёришар бу кўҳна олам.*

**Нуржаҳон УСМОНОВА,**
**Тошкент шаҳар 205-мактаб ўқитувчиси.**

*Огоҳ бўлинг*

# ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ ЛОЗИМ

***Миробод туманидаги Ш. Рашидов номидаги маҳалла ҳудудида жойлашган "Дўстлар" кафесида тунги вақтда газ исидан заҳарланган етти нафар фуқародан учтаси ҳаётдан кўз юмди. Ёнғин хизмати ходимлари тезкорлик билан ҳаракат қилиб, газ манбаини ўчирмаганда, қолганларнинг ҳам ҳаётини асраб қолиб бўлмасди. Бу ҳодиса сабаблари атрофлича ўрганилганда, газ печи носозлиги маълум бўлди.***

Соҳа ходимлари томонидан носоз газ ва электр плиталаридан фойдаланиш оғир оқибатларга олиб келиши ҳақида юридик шахслар, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилган, хонадонларда ёнғинга қарши ҳолат текшириб чиқилган, айрим қоидабузарларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилган. Шундай бўлгач, қайд этилган ёнғин келиб чиқишида кўпроқ ким айбдор? Албатта, бу саволга ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаётган фуқаролар деб жавоб бериш мумкин.

"Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида белгиланган бўлиб, ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиши шартлиги кўрсатилган. Афсуски, қонунни билмаслик, билган тақдирда ҳам, унга амал қилмаслик оқибатида кейинги пайтда Миробод туманида бир қанча хонадонларда ёнғин содир бўлди. Ёнғинга олиб келувчи ҳолатларга йўл қўйилгани учун 512 та баённома тузилди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган шахсларга нисбатан белгиланган жарималар салкам 36 миллион сўмни ташкил этди.

**Ёнғиннинг олдини олишга қаратилган савол ва мурожаатлар билан 233-37-22, 233-56-20, 233-21-09 ёки 101 рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг.**

**Азиз ТЎРАЕВ,**
**Тошкент шаҳри, Миробод тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, сержант.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ**
**Нашр учун масъул Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА**

**Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.**
**Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.**

**Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.**
**Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.**

**Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.**

**Адади 9048 нусха.**
**Буюртма Г-145.**

**Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**
**Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.**

**Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.**
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

ISSN 2010-6149 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Сайтимиз: www.uzssgzt.uz
Топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5